

ИНСОН ЭЪЗОЗ - ЭЪТИРОМГА ЛОЙИК

Инсон она табиатнинг олий маҳсули. Ҳар бир киши дунёга келибдики, эзгуликка интилади. Ҳалол ва фидокорона меҳнати билан юртимиз фаровонлигига, ҳақиқий дустурхонни тузишга ушбу ҳиссани қўшади. Вақт ўтиши билан кескайиб ёки соғлигини йўқотиб қўяди. Бунинг устига бирон касаллик оқибатида, шунингдек, бирор сабаб билан ногирон, дили хаста бўлиб қолади. Аммо бундай қимсалар ҳаминша ҳукумат эътиборига, эъзозда. Ижтимоий муҳофазаси урғига қўйилмоқда. Бунинг Усмон Юсупов тумани мисолида ҳам яққол куриш мумкин. Одамлар турғисида меҳр-оқибатли, саховатпеша бўлишда аввало Бегам Бекмуродов бошлиқ туман ижтимоий таъминот бўлими жамоасининг фаолияти ибратли. Уларнинг барчаси турли масалалар юзасидан муҳофизат этган ҳар бир кексаюш эшини ҳушмуомалалик ва очик юз билан қабул қилишди. Энг муҳими, чин юракдан ҳол-аҳвол сурашиб, бир писла кўк чой узатишди. Сунгра истак ва талабларига диққат билан қўлоқ туттишди. Шу боис туман ижтимоий таъминот бўлимида иш кураётган ходимларнинг барчаси кўпчилик учун қадрдон бўлиб қолишган. Қачон қараманг, бу ердан одамлар аримайди. Кимдир қарилик ёки ногиронлик пенсиясига қийин учун тегишли ҳужжатларини тақдим этади. Бошқаси эса пенсияси қамлиги, баъзан кечикиб бораётганлиги ҳақи-

да гап очади. Қандай фикр бўлмасин таъминот бўлими ходимлари уни эътиборсиз қолдирмайдилар. Тегинли йўл-йўриқ ва маслаҳатларини аямаядилар, зарур бўлса амалий ердамларини кўрсатадилар.

Айни пайтда туман маркази ва қишлоқ жойларида 3775 нафар нафақахўр ҳаёт кечирмоқда. Жумладан, 325 нафар йил 1996 йилда пенсияга чиққан кишилардир. Улар орасида 77 киши уруш қатнашчиси ва ногиронлар 100 кишини ташкил этади. Ҳалок бўлган жангчи оилалари 13 та, байналмилалчи жангчи-

жатар давлат ҳисобидан қопланади. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари туман ҳамда Жейнов қишлоқ матлубот очик-ҳисдорлик жамиятлари орқали ўз эгаларига етказиб берилади. 1996 йилда туман бўйича узғалар қаровига муҳтож бўлган 60-65 ёшдан утган елгиз қарияларга 9700 килограммдан зиёдроқ ун, 248 килограмм гуруч, 247,3 килограмм шакар, 161,5 килограмм ёғ, 38,5 килограмм чой, 104 килограмм совун, 3230 донна тухум, 323 килограмм гушт етказиб берилди.

Бундай саховатдан миришкорлик Қодир Остонов, Тур-

дик чиқаришга, даволанишга эҳтиёжи сезилмаётган қариялар ва ногиронлар ҳақида ҳам ҳамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун мутасадди идораларга мурожаат этилаётган. 1995 йилда бўлим томонидан кексалар ва ногиронлардан 22 кишига бепул йўлланмалар берилган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилда 37 тага етди. Уруш ногиронларидан Шукр Бойтўраев («Товоқсой»), Ботир Тилаков («Қашқалар соҳили»), 2-гуруҳ ногирони Омонкул Муртазоев («Зомин») санаторийларида 24 кун давомида дам олиб ва даволашиб, ўз соғлиқларини тиклаб қайтдилар.

Жисмонан заиф, соғлигини йўқотган дили хаста қария ва ногиронларга ҳамхўрлик кўрсатиш борасида туман ижтимоий таъминот бўлими доимо туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ҳужаликлари ва идораларнинг раҳбарлари, меҳмуроват жамғармалари билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳат бўлиб иш кураётган. 1 октябрь — халқаро қариялар кўни муносабати билан ёши улуглар билан бир писла чой устида учрашувлар ўтказилганлиги, 3 декабрь — халқаро ногиронлар кўнида 105 кишига 36 минг 600 сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва совға-саломлар улашилганлиги фикримизнинг шаҳодатидир.

Узбурчларнинг сийқилил ало эътибор, саховатпеша инсонлар ҳаминша омон бўлишсин.

Эргаш МУСАЕВ.



Абдурахмон ота Турдиев 53 йилдан кўпроқ Термиз туманидаги «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида темирчилик қилди. Айни чоқда дуррадорликни ҳам қўйиллатмоқда. Бу қўли гул инсон ўзи ясаган мусиқий асбобларда қўй чалган пайтда дарров атрофига мусиқа ихлосмандлари, тингловчилар йиғилиб кетади.

Суратда: моҳир уста Абдурахмон ота Турдиев. Искандар Хўжаев (ўз) олган сурат.

БИЛИБ
ҚУЙГАН
ЯХШИ

Йод ҳосилни кўпайтиради

Йоднинг яра-чақани тузатувчи, қонни тўхтатувчи дори экани маълум. Аммо унинг яна бир ҳосилати аниқланди: мева дарахтларига, жумладан, олча ҳосилга фойдаси бор экан.

Мана эшитинг. Олча эндигина иш ўриб, гул чиқараётган пайтда унга йод эритмиси (10 литрга 100 миллиграмм йод аралаштириб) пуркалади. Кейин олча чаман бўлиб гулгаган пайтда яна бир марта (эрта тонгда) пуркаса керак.

Тажриба шунини кўрсатдики, йод пуркалаган бир тул олча дарахтидан 50 килограммга яқин, дориланмага нисбатан эса 30 килограмм ҳосил олинган. Бундан қўриқнадики, олчага йод эритмаси пуркалса, гуллари камроқ тўқилиб яхши тутади.

Демак, йод ўсимлик ривожига яхши таъсир этаркан.

«Мурасасиз» гуллар

Гулларда ҳам аловат бўлар экан. «Жиззаки»-ликда марваридгулдан ўталгани йўқ. Агар уни бинафша, бутакўз ёки бошқа бажори гуллар билан бир гулдамга солсангиз борми, қўй ўтмай уларни бир ёқли қилиб қўяди.

Бирок марваридгул наврўзгулга қўйини кўрсатолмас экан. Шунинг синари агар дола наргиси тезла сўлтиб қўйса, аттигул қаламшигул ҳам қўйини гулга шафқатсиз, лексин нилуфар билан иноқ. Уларни ёнма-ён эккан маъқул.

Ўсимликлар ўзидан турли исми моддалар чиқаради. Гуллар мурасасизлигининг сири ҳам шундан эмасмикан?

А. АЛИЕВ тўплаган.

МУЗЕЙ — БИЛИМ МАНБАИ

Анджон вилоят улқашунослик музейида бир неча ун йиллар давомида тушланган мамлакатимиз ва вилоят тарихига оид қимматли маълумотлар, осори атиқалар, ҳужжатлар, шунингдек, водий ўсимлик ва ҳайвонот дунесига оид нодир кўргазмалар намойиш этилади. Улар ешларга, айниқса мактаб ўқувчиларига чуқур билим беришга хизмат қилади. Музей ҳодимлари бу борада шаҳар мактаблари, урта махсус ва олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик шартномалари тузишга киришди. Ҳозирдаёқ бир қатор мактаблар, қурилиш техникуми, тиббиёт билим юрти шундай шартнома асосида тарих ва тиббиёт фанлари дарслари ҳамда амалий машғулотларни музей залларида ўтказадиган бўлди. Бу ерда ўқувчилар учун турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, мунозара кечалари ҳам ташкил этилади.

К. НИЗОМОВ,
Ўза мухбири.

Ҳужалик раҳбарлари ва фермерлар эътиборига

ҚАНД ЛАВЛАГИ, ГРЕЧИХА УРУҒЛИГИ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Анджон вилоти Қўргонтепа туманидаги «Қорасув» жамоа ҳўжалиги ҳўжаликлари, фермерларни қўйидаги уруғликларни сотиб олишга таклиф этади:

— «Ганисовский» навли қанд лавлагининг биринчи класс, биринчи репродукцияли уруғлиги — 10 тонна миқдориде мавжуд;

— Бугдой уриб-йиғиб олингандан сўнг экиладиган гречиханинг уруғлиги — 15 тонна уруғлик мавжуд (гектарига 30 килограмм гречиха уруғлиги сарфланиб, яхши даромад куриш имконини беради).

Юқоридаги уруғликларга келишилган нархларда, харидор учун мабқул бўлган усулда ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

ИТАЛИЯ
ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА
ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛАЁТГАН
КАФЕЛАРГА
БУЮРТМАЛАР
КАБУЛ
КИЛИНМОҚДА

БУЮРТМАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
13712/ 50-83-54, 50-92-94,
ФАКС 50-92-94. А/О ТашКСМ

OSIE-VEST
САВДО
ТАШКИЛОТЛАРИ
ФИРМАЛАР,
ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ИЧИМЛИКЛАР СОТИЛМОҚДА

Тошкентдаги «Осие-Вест» фирмаси 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Гарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган юқори сифатли ликерлар, брендилар, олий нав винолар, шампан винолари ва бошқа доврўги оламга ёйилган ичимликларни улғуржи ҳамда чакана нархларда сотиб олишни таклиф этади.

Сотиб олинган маҳсулотлар учун исталган усулда ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Манзил: 700027, Тошкент, Фурқат кўчаси 1-уй.
Телефонлар: 45-55-65; 45-70-60.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Файз-Иқбол» жамоа корхонаси тугатилди. Барча дўловлар ўзлон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Файз-Иқбол» жамоа корхонаси мантили: Юнусобод тумани, Шаҳристон кўчаси, 22-уй.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Даладон Боймуртаев номида 134-мактаб томонидан Абидов Мирқобил Мирзалидович номига берилган N 033067 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги маъсулияти чекланган «Чарос» жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи А. Торежановга рафиқаси

Турсунов УТЕНОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР ШИФО МАСКАНЛАРИ


• Сирларё вилотида қишлоқ ижтимоий тузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қуни кеча Боев тумани Ш. Рашидов номидаги жамоа ҳўжалигида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Вилот «Агрокурлиш» таъмирлаш уюшмасининг А. Эрнзаров бошлиқ бунёдкорлари уни қисқа фурсатда қуриб берди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифохона хизматидан беш мингдан кўпроқ аҳоли баҳраманд бўлади.

Мирзобод тумани Улғубек номидаги ширкатлар уюшмасида ҳам қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Йил охиригача вилотда яна ўн бешта шундай шифохона очилиш режалаштирилган.

• Фарғона вилоти Бағдод дон маҳсулотлари комбинати ишчи-хизматчилари яна бир қўлайликка эга бўлди. Улар учун замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мўъжиз санаторий очилди. Сарф-харажатларнинг асосий қисми корхона даромади ҳисобидан қопланади.

Ёшлар ҳузурида

• Аббос Бакиров номидаги Анджон вилот ёшлар театри вилот туманлари ва қишлоқлари мактабларида ўз санъатини намойиш эта бошлади. Вилот халқ таълим бошқармаси билан шу ҳақда шартнома имзоланди. Унга мувофиқ дастлаб театр жамоаси Булоқбоши, Қўргонтепа, Олтинқўл, Избоскан, Пахтабод туманлари мактаб ўқувчилари ва ҳўнар-техника билим юрти ҳамда гимназия ва коллежлар талабалари ҳузурида янги сахна асарларини намойиш этади, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади.



Бок, қизалоқ ала айтлар:
«Ухлай қолгин, жоним болам!»
Бир жарангдор садо қайтар.

«Сеникидир — бу тинч олам!»
Яхши ният қилса башар —
АШЛАРда Тинчлик яшар!!

Бош муҳаррир Неъмат ЁКУБОВ
Тахрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКИРИЕВ, Сиддиқов МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЙОМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИИ:
«Ўзқишлоқҳўжалик таъминот тузатиш»
давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати»
газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир уринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93.

Дехқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шкоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 074, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қозғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» наприет-матбаа концерни босмахонаси. Корхона мантили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 6.